

Салжукийлар хукмдори Тўгрулбекнинг ўгли, атокли Ислон хукмдори ва лашкарбошиси. Вакти келиб таназзулга юз тутган салжукийлар империяси Тўгрулнинг шу ўгли туфайли ўз куч-кудратини қайта тиклади. Аббосийлар заифлашганини кўриб хаддан оша бошлаган византияликлар ўзларига чегарадош подшоҳликлар вужудга келиши билан мусулмонларга қарши сурункали уруш олиб боришга киришдилар. Алп Арслон Кичик Осиёга юриш қилиш билан ўз қўшинларини дин химоясига отлантирди. Манзикерт яқинида Византия императорига қашатқич зарба бериб, ўзини асир олди. Ўша ғалабадан кейин мусулмонлар Кичик Осиёнинг қок юрагига кириб бориб, у ерда маҳкам ўрнашиб олдилар. Шундан бери улар Онадўлини тарқ этмадилар. Алп Арслон ўз амакиваччаларидан бири Сулаймон Қутлимишни Кичик Осиё марказининг ҳоқими қилиб тайинлади. Бу ўлкани мусулмонлар Рум деб атай бошлашди. Рум салжукийлари у ерда усмонли турқлар пайдо бўлгунга қадар ҳукмрон бўлиб туришди. Улар дастлаб Никонни ўзларига пойтахт қилиб олдилар, лекин 1084 йилда салжукийлар бу мамлакатнинг энг йирик кенти Иқониум (Қўнё)ни қабт этиб, у ерда мустанкам қўним топдилар. Византиянинг Кичик Осиёдаги энг бой ва қўзал шаҳарқаси бўлган Иқониум Рум салжукийлари даврида қатта шаҳарга айланди.